

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД ОРИФ ЎҒЛИ**

**АЙРИМ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН**  
**ЖАВОБГАРЛИК: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК**  
**ЖИҲАТЛАР**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.**  
**(юридик фанлар)**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли**

Айрим трансмиллий уюшган жиноятлар учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлар .....3

**Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф угли**

Ответственность за некоторые транснациональные организованные преступления: уголовно-правовые и криминалогические аспекты .....25

**Khamidov Nurmukhammad Orif ugli**

Liability for some transnational organized crimes: criminal legal and criminological aspects .....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД ОРИФ ЎҒЛИ**

**АЙРИМ ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН**  
**ЖАВОБГАРЛИК: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК**  
**ЖИҲАТЛАР**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.**  
**(юридик фанлар)**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Yu445 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Салаев Нодирбек Сапарбаевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кабулов Рустам**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Мухторов Нодиржон Илхомжонович**  
юридик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» июнь куни соат 14:<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1046 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» июнда тарқатилди.  
(2022 йил «9» июндаги «4» рақамли реестр баённомаси).



  
**М.Қ.Ўразалиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

  
**М.М.Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**Ш.Ё.Абдуқодиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), доцент

## Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барқарор осойишталик ва фаровонликни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишнинг жиноят-ҳуқуқий механизмларни самарали қўллаш зарурати мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда. 2020 йилда дунё миқёсида 150 мингга яқин трансмиллий хусусиятга эга бўлган жиноятлар содир этилган, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 20%га ошган<sup>1</sup>, трансмиллий жиноятлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири мазкур жиноятлар объектининг лозим даражада муҳофаза қилинмаётганлиги ҳамда улар учун белгиланган жазо миқдори ва муддатларининг нисбатан енгиллигидир. Мазкур турдаги иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка хавф соладиган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш заруратининг мавжудлиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда жиноят объекти сифатида инсоният тинчлиги ва хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тенденциясини ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишда халқаро ҳамжамият аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, одам савдоси, терроризм, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси ва бошқа шу каби трансчегаравий жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш ва халқаро ҳуқуқ нормаларини такомиллаштиришнинг янги йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш; бу турдаги жиноятларга қарши курашиш бўйича давлатлараро ҳамкорликни янада яхшилаш; тобора ортиб бораётган трансмиллий уюшган жиноятларнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда минтақалараро тинчлик ва ҳамкорлик, ташқи сиёсатда куч ишлатмаслик, хорижий давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси каби трансмиллий жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга оид туб ислохотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда дунё ҳамжамиятида тобора ортиб бораётган хавфларни ҳисобга олган ҳолда трансмиллий ва халқаро жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликни киритиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган”<sup>2</sup>лиги ҳам мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

<sup>1</sup> www.unodc.org

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. № 6. 70-модда.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” (2022) Фармонлари, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) Қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Трансмиллий жиноятлар учун жавобгарликнинг айрим масалалари республикамизда Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, И.Исмоилов, Ж.А.Иброҳимов, И.Ю.Фазилов, К.Мирзажонов, Э.Х.Норбўтаев, Б.А.Миренский, Б.Х.Пўлатов, Ю.С.Пўлатов, М.А.Ражабова, А.Р.Раҳмонов, М.Ҳ.Рустамбаев, М.Сабилов, А.Х.Саидов, Т.Р.Сайтбаев, Н.С.Салаев, Ж.Тошқулов, У.Тожиқонов, Б.У.Тожиқонов, А.С.Якубов, М.Қодиров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ф.М.Фозиловнинг юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик ҳамда Ж.Неъматовнинг юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар таҳлил қилиниб, бу турдаги жиноятларнинг Ўзбекистон Республикасидаги криминоген вазиятга таъсири, уни прогноз қилиш, унга қарши курашишда қонунчиликдаги коллизиялар билан боғлиқ муаммолар, давлатлараро шартномавий-ҳуқуқий механизмлар тадқиқ этилган.

Трансмиллий жиноятларга оид баъзи масалалар МДҲга аъзо давлатлар олимлари Ю.М.Антонян, И.А.Возгрин, В.П.Емельянов, Г.М.Керимов, А.В.Коровиков, И.М.Лузгин, Е.Г.Ляхов, Л.А.Моджарян, В.Е.Петришчев, В.П.Ревин ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлар S.Abi-Saab, M.C.Bassiouni, A.Cassese, A.S.de Frias, A.Jongman, P.Kovacs, K.Samuel, B.Saul, V.Schlaefel, A.Schmidt, N.D.White ва бошқалар томонидан мазкур мавзуга оид айрим масалалар тадқиқ этилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, айнан айрим трансмиллий уюшган жиноятлар учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий криминологик жиҳатлар юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган. Ушбу диссертация

иши эса одам савдоси, терроризм, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва гиёҳвандлик воситаларнинг ғайриқонуний савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноятларни комплекс тадқиқ қилишга қаратилганлиги билан юқоридагилардан фарқ қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** айрим трансмиллий жиноятларнинг таркибини комплекс таҳлил қилиш, мазкур жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини тадқиқ этиш, тергов ва суд амалиётини яхшилаш, бу турдаги жиноятларни квалификация қилиш ҳамда жавобгарликни, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани, жиноят ҳуқуқи назариясини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

трансмиллий жиноятлар тушунчаси ва улар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини ўрганиш;

трансмиллий жиноятларнинг хусусияти, турлари ва шаклларини тадқиқ этиш;

айрим хорижий давлатларда трансмиллий уюшган жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ёритиш;

айрим трансмиллий уюшган жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;

айрим трансмиллий уюшган жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ёритиш;

баъзи трансмиллий уюшган жиноятларнинг олдини олиш истиқболларини таҳлил қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** айрим трансмиллий (терроризм билан боғлиқ жиноятлар, одам савдоси, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ) жиноятлар учун жавобгарлик билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, суд-тергов амалиёти материаллари, илмий қарашлар, айрим хорижий давлатларнинг ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли таҳлил, мантиқийлик (анализ, синтез), киёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

терроризмни молиялаштирганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш зарурлиги асослантирилган;

гиёхвандлик воситалари аналогларини божхона чегарасидан ўтказиш контрабанда жиноятининг таркибини ташкил қилиши лозимлиги асослантирилган;

гиёхвандлик воситалари аналоглари таъсирида жиноят содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши зарурлиги асослантирилган;

молиявий операциялар ўтказиш ёки битим тузиш орқали содир этилган жиноий даромадларни легаллаштириш фаолиятининг тугалланиш вақтини белгилашга оид Олий суд Пленуми қарори тушунтириши берилиши лозимлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бир мамлакат чегарасидан ташқарига чиқувчи жиноий уюшмалар фаолиятида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиш шаклида намоён бўладиган халқаро, халқаро характердаги ва чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий жиноятлар сифатида тушунилиши лозимлиги асосланган;

“терроризм билан боғлиқ жиноятлар”, “диний экстремизм” тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда жиноий гуруҳ ташкилотчисига тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдорини дифференциация қилиш лозимлиги асосланган;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жиноят предметини мусодара этиш тариқасидаги жиноий жазони пенализация қилиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Саккизинчи бўлимига экстремистик, фундаменталистик ёки сепаратистик хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий маъносини киритиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунини “ноқонуний молиявий операциялар” тушунчаси мазмунини акс эттирувчи тегишли хатбоши билан тўлдириш лозимлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ нормалари ва амалдаги миллий қонунчиликни қўллаш амалиётини, ўтказилган ижтимоий сўровлар (229 та жиноят ишлари ўрганилиб, суд-тергов амалиётининг 230 нафар ходимларидан сўров ўтказилган) ҳамда жиноятларга оид статистик маълумотлар таҳлилига асосланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва халқаро журналларда чоп этилган. Таклифларнинг қонунчиликка ва қонунни қўллаш амалиётига жорий этилганлиги ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган

қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фани назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Тадқиқот асосида олинган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш, бу турдаги қилмишларни квалификация қилиш ва уларга нисбатан жазо тайинлашга оид муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Трансмиллий жиноятлар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштиришни тадқиқ этиш натижалари асосида:

терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05-3703-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият терроризмни молиялаштириш сифатида баҳоланиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

контрабанда жиноятида нафақат гиёҳвандлик воситалари, балки уларнинг аналоглари ҳам жиноят предмети сифатида жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмида, “гиёҳвандлик воситалари аналоглари” тушунчасини киритиш зарурати ҳақидаги таклиф Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 12/21-44-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар гиёҳвандлик воситаларининг аналогларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш контрабанда сифатида баҳоланиб, жиноий жавобгарлик белгиланишига ҳамда жиноят қонунчилигига гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари тушунчасини киритишга хизмат қилган;

гиёҳвандлик воситалари билан бир қаторда уларнинг аналоглари таъсирида жиноят содир этишнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши кераклиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

56-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 12/21-44-сон далолатномаси). Ушбу таклиф гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишига ва адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган.

молиявий операциялар ўтказиш орқали даромадларни легаллаштириш мақсадида шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилиш ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ҳақида банкка фармойиш тақдим этган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши, шунингдек даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилганида, жиноят айбдор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки ҳуқуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланиши тўғрисидаги таклифлар 2021 йил 10 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 23-сон қарорига асосан 2011 йил 11 февралдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3.1. бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 25 ноябрдаги 11-73-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни тўғри квалификация қилиш ва қилмишнинг тугалланган вақтини аниқлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан 9 та илмий мақола (улардан 4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **киришида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Айрим трансмиллий уюшган**

**жиноятлар учун жавобгарликнинг умумий тавсифи”** деб номланиб, унда трансмиллий жиноятлар тушунчаси ва улар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, трансмиллий жиноятларнинг хусусияти, турлари ва шакллари ўрганилган.

Муаллиф мазкур бобда трансмиллий жиноятлар тушунчаси ва улар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, унинг ўзига хос белгилари, соҳага оид қонун ҳужжатлари нормалари ва олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганган. Тадқиқ қилинаётган масалага доир суд амалиёти ўрганилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари таҳлили асосида уларда мавжуд бўлган бўшлиқ ва камчиликлар, амалиётда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ таклифлар илгари сурилган.

Тадқиқотчи «трансмиллий уюшган жиноят»лар жиноят-ҳуқуқий категориядан кўра кўпроқ криминологик тушунча эканлигига эътибор қаратиб, қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида 70 та ўринда «уюшган гуруҳ» атамаси қўлланилганлигини, улардан 62 таси жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Махсус қисмда эканлиги нуқтаи назаридан унинг жиноят-ҳуқуқий категория сифатидаги ахамиятини оширади, деб ҳисоблайди. Мамлакатимизда трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳуқуқий соҳадаги тадқиқотларнинг предметига айланганига кўп бўлмаганлиги, ушбу муаммони ўрганишда жиноят ҳуқуқи назарияси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиёти билан ҳамоҳанг олиб борилиши лозимлиги хусусида тўхталиб, айтиш пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликни бартараф этишга доир чораларнинг ўз вақтида кўрилмаслиги минтақавий можаролар фониди жамиятимизда ижтимоий муносабатларнинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи реал кучга айланиши мумкинлиги, бозор муносабатлари шароитида эса глобал иқтисодий йўқотишларга олиб келиши билан, ўта хавфлидир, деган хулосага келган.

Тадқиқот ишида ҳозирги вақтда ташқи таҳдидлар янги шакл касб этиб, уларнинг асосий хусусиятлари этник ва диний можароларда намоён бўлиб, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб юривчилар ва мигрантлар оқими, халқаро жиноятчилик, терроризмга боғлиқ бўлаётганлиги, жинсий уюшмалар хилма-хил бўлиб, географик ва миллий хусусиятларга эга ва глобаллашув даражаси билан фарқ қилиши, шунингдек бундай тузилмалар битта шаҳар, минтақа, мамлакат ичида фаолият юритиши ва алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб, трансмиллий кўриниш касб этаётганлиги таъкидланган.

Диссертацияда алоҳида давлатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги сифат жиҳатидан янги ҳодиса халқаро иқтисодиётнинг шаклланишига сабаб бўлаётганлиги, глобаллашув жараёни жиноятчиликнинг тавсифига, яъни икки ёки ундан ортиқ давлатнинг манфаатларига таъсир кўрсатаётганлиги, бундай ҳолатларни аниқлаш учун криминология фанига “уюшган жиноятчилик” билан узвий боғлиқ бўлган “трансмиллий жиноятчилик” тушунчаси киритилганлиги таҳлил қилинган.

“Трансмиллий жиноятлар”га оид қонун ҳужжатлари ва олимларнинг мулоҳазаларига таяниб, тадқиқ қилинаётган жиноят тушунчасининг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган:

“Трансмиллий жиноятлар – бир мамлакат чегараларидан ташқарига чикувчи жиноий уюшмалар фаолиятида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиш шаклида намоён бўладиган халқаро, халқаро хусусиятдаги ва бир неча давлатларнинг фуқаролари томонидан ёки улар иштирокида содир этилган жиноятлар”.

БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси, 2000 йил 15 ноябрдаги Бош Ассамблеянинг 55/25-сонли қарори билан қабул қилинган қоидаларда жиноят трансмиллий характер касб этиши учун: бир неча давлатда содир этилган (3-моддаси 2-қисми (а)); бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин унинг маълум бир қисми, яъни тайёргарлик кўриш, режалаштириш, ушбу жиноят ташкилотчисининг бошқа давлатда бўлиши (3 (2) (b) модда); бир давлат ҳудудида содир этилган лекин бир неча давлатда ўз жиноий фаолиятни амалга оширувчи уюшган гуруҳ иштирокида амалга оширилган (3-моддаси 2-қисми (с)); бир давлат ҳудудида содир этилган лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда рўй берган (3-моддаси 2-қисми (d)) бўлиши лозим.

Тадқиқот доирасида ўрганилган 200 дан ортиқ жиноят ишининг 80 га яқини трансмиллий характер касб этиб, уларда юқоридаги аломатлар мавжуд бўлган.

Жиноят ишларининг таҳлиliga кўра: бир неча давлатда содир этилганлиги (54 %); бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин унинг маълум бир қисми, яъни тайёргарлик кўриш, режалаштириш, ушбу жиноятга ташкилотчисининг бошқа давлатда эканлиги (26 %); бир давлат ҳудудида содир этилган лекин бир неча давлатда ўз жиноий фаолиятни амалга оширувчи уюшган гуруҳ иштирокида амалга оширилганлиги (9 %); бир давлат ҳудудида содир этилган лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда рўй берганлиги (11 %) аниқланган.

Ишда олимларнинг фикрлари ўрганилиб, трансмиллий жиноятларнинг куйидаги: 1) уюшганлик; 2) узвийлик; 3) даромад олиш мақсади; 4) миллий чегараларни инкор этишга асосланган ўз жиноий мақсадига эришишнинг усуллари каби тўртта белгиси ажратиб кўрсатилган.

Диссертант “трансмиллий жиноятлар” тушунчасининг келиб чиқиш хусусида турли хил қарашлар мавжудлигини баён қилиб, Ж.А.Неъматов, В.Номоконов, Л.Л.Горяинов, А.П.Исиченко, Л.В.Кондратюк, К.С.Родионов, С.В.Максимов каби олимларнинг илмий қарашларини таҳлил қилиб трансмиллий жиноятчиликнинг тўлиқ таърифини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Ушбу қарашларнинг умумий жиҳати сифатида трансмиллий жиноятлар – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги муносабатларга ёхуд икки ёки ундан ортиқ давлатлар юридик ёки жисмоний шахсларининг манфаатларига зарар етказувчи, муайян вақт оралиғида содир этилган жиноятлар мажмуи эканлиги ҳамда жавобгарлик халқаро жиноят ҳуқуқи ёки унга мувофиқ қабул қилинган миллий жиноят қонунчилиги нормаларида белгиланган бўлишида ифодаланади, дейди.

Муаллиф трансмиллий жиноятчиликни кенг ва тор маънода тушуниш бўйича фикрлар мавжудлигини ҳам таъкидлаб, кенг маънода, трансмиллий жиноятчилик жиноий жавобгарликка лойиқ бўлган учта гуруҳини: 1) тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар (халқаро жиноятлар); 2) трансмиллий

хусусияти мавжудлиги ратификация қилинган халқаро шартномаларда акс этган жиноятлар, булар асосан халқаро аҳамиятга (характерга) эга жиноятлардир; 3) БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясида келтирилган белгилари мавжуд жиноятлар (бошқа трансмиллий жиноятлар)ни келтирган.

Тор маънода трансмиллий жиноят иккинчи ва учинчи гуруҳларда акс эттирилган жиноятларни ўз ичига қамраб олишини, диссертацияда ҳам айнан ушбу гуруҳларга мансуб жиноятлар таҳлил қилинганлиги ва ўрганилганлиги, чунки биринчи гуруҳдаги жиноятлар инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига зарар етказганлиги сабабли у икки ёки бир неча давлатнинг эмас, балки бутун инсоният учун хавф туғдириши сабабли уларнинг тадқиқот объектига кирмаслиги асосланган.

Диссертацияда трансмиллий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини: фойданинг юқорилиги ва даромаднинг доимий ўсиб бориши; кенг доирада жинойий фаолият юритилиши; молиявий тизимларнинг назорат қилиниши; трансмиллий жинойий ташкилот аъзоларини давлат ҳокимияти ва бошқарув аппаратида кенг кўламда кириб бориши; ўз мақсади ва шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай зўравонлик ва коррупцияни амалга ошириш; ҳатто энг оғир шароитларда ҳам юқори даражадаги мослашувчанлик каби омиллари кўрсатилган.

Юқоридаги белгиларнинг таҳлили трансмиллий жиноятчиликка доимий равишда уюшган жиноятчилик сифатида қаралганлигини, аммо жиноят ишларини ўрганиш ва экспертлар ҳамда ХМҚО ходимлари орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, трансмиллий жинойий фаолият нафақат уюшган гуруҳлар ва жинойий жамоалар (жинойий ташкилотлар), балки бир гуруҳ шахслар томонидан ҳам олдиндан тил бириктириб амалга оширилиши мумкинлигидан далолат беради.

Тадқиқотчи трансмиллий жиноятларнинг хусусияти, турлари ва шаклларини ўрганиб, терроризм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, одам савдоси, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилган.

Ўрганилган 229 та жиноят ишларида трансмиллий характердаги жиноятларнинг 126 таси жинойий уюшмалар, 41 таси эса уюшган гуруҳлар томонидан содир этилганлиги 2018-2020 йиллардаги 80 га яқин трансмиллий характердаги жиноятларнинг 58 таси уюшган гуруҳлар томонидан, 8 таси бир гуруҳ шахслар томонидан, 13 таси алоҳида шахслар томонидан содир этилганлиги аниқланган. Диссертант трансмиллий жиноятлар уюшган жиноятларнинг бир қисми ҳисобланмаслиги, балки уюшган жиноятлар билан айрим ҳолатларда жинойий қилмишнинг объекти жиҳатдан ўхшаш жиноятлар ҳисобланишини асослаган.

Диссертациянинг **“Айрим трансмиллий уюшган жиноятларнинг юридик таҳлили”** деб номланган иккинчи боби мазкур турдаги жиноятларнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони белгилари, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари, баъзи трансмиллий уюшган жиноятларни

квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган.

Диссертант жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланиши тўғрисидаги қоидадан келиб чиқиб, трансмиллий уюшган жиноятларнинг умумий объекти ягона ижтимоий муносабат бўлмаслиги, бу турдаги жиноятлар амалдаги жиноят қонунининг турли бўлим ва бобларида жойлашганлиги сабабли уларнинг асосий, бевосита ва кўшимча объектлари турлича бўлади, деган хулосага келган.

МДХга кирувчи аксарият давлатларда (Туркменистондан ташқари) терроризмни тайёрлашда иштирок этиб, ҳокимият органларига ўз вақтида хабар берган ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар рўй беришининг олдини олган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма мавжуд (Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь). Молдова ЖКда анъанавий рағбатлантирувчи нормага кўшимча равишда террористик ҳаракатни содир этган шахс ёки унинг иштирокчиси ҳокимият органларини тегишли ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилсалар, шу орқали инсонлар ўлими, уларга тан жароҳати етказиш ёки соғлиғига бошқача зарар етишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг олдини олиш ёки бошқа жиноятчиларни фош этишга кўмаклашсалар, уларга нисбатан мазкур моддада кўзда тутилган жиноий жазонинг энг кам миқдори қўлланилиши белгиланган (Молдова ЖК 278-м.). Бошқа давлатлардан фарқли ўларок, террористик ҳаракатни содир этиш билан таҳдид қилганлик учун Қирғизистон ЖК 239-моддаси биринчи қисмда, уни амалга оширганлик учун иккинчи қисмда алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Ишда ғайриқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ қилмишлар сифатида 167-модда (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-модда (фирибгарлик), 175-модда (Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш), 178-модда (чет эл валютасини яшириш), 182-модда (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 184-модда (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш), 188<sup>1</sup>-модда (пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият), 233-модда (банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш), 243-модда (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш)ларда назарда тутилган жиноят таркиблари объектив томондан ғайриқонуний молиявий операцияларни ўтказиш орқали содир этилиши таъкидланган.

Ишда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш таркибининг объектив белгиларининг зарурий элементи жиноий фаолият натижасида орттирилган мулкнинг мавжудлиги таъкидланган. Бунда мулк алоҳида шахс, жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ томонидан (ЖК 29-м. 4,5-қ.) қасдан содир этилган бир ёки бир неча жиноят натижасида қўлга киритилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришдан иборатдир. Даромадларни легаллаштириш жиноий фаолият натижасида олинган

қонунга хилоф даромадларга қонуний тус беришга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилишидир, яъни жинойий фаолият натижасида топилган мулкни: ўтказиш (жинойий фаолиятдан олинган даромадларни банк муассасалари орқали бир жойдан иккинчи жойга молиявий операцияларни амалга ошириш билан юбориш); алмаштириш; айлантириш (жинойий фаолият натижасида топилган мулкни, бошқа кўринишдаги кўчар ёки кўчмас мулкка алмаштириш тушунилади); жинойий фаолият натижасида топилган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турар жойини, тасарруф қилиниш, ташилиш усулини ва мулкка нисбатан ҳақиқий эгаллик ҳуқуқини ёки унинг қимга тегишлилигини яшириш ёки сир тутишда ифодаланиши кўрсатилган.

Ишда Ўзбекистон Республикаси жинойят қонунчилигига кўра жисмоний шахс трансмилий жинойятларнинг субъекти бўлиши, қатор хорижий давлатларда эса жинойят субъекти сифатида юридик шахслар жавобгарлиги ҳам мустаҳкамланганлиги, шунингдек XX асрнинг охирида айрим давлатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги белгиланганлигини қайд этган.

Жумладан, эркин рақобатни, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда, иқтисодни, атроф-табiiй муҳитни кўриқлаш, соғлиқни сақлаш ва бошқа фаолият соҳаларини ҳимоя қилишда маъмурий, фуқаровий чораларнинг самара бермаётганлиги сўнгги ўн йилда кўп давлатлар томонидан юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлигига янгича қаралишига сабаб бўлди, ушбу масала Франция, АҚШ, Англия, Япония, Финляндия ЖКда ўзининг қонуний ечимини топди. Шунингдек, Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Канада, Норвегия, Хитой, Шотландия қонунчилигида ҳам юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги мустаҳкамланган.

Айрим олимлар мамлакатимизда бозор ислохотлари чуқурлашаётган бугунги шароитда жинойят-ҳуқуқий сиёсатнинг замонавий ривожланиш тенденциялари жинойят субъекти масаласига кенгроқ ёндашишни тақозо этишини, трансмилий корпорациялар фаолият доираси тобора улкан масштабни қамраб олаётганлигини таъкидлаб, улар томонидан содир этиладиган жинойятлар учун юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги белгиланиши лозимлиги ҳақида фикр юритаётганликларини, миллий қонунчилигимизда ҳам юридик шахс сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мақомидагилар учун маъмурий ва жинойий жавобгарлик белгилаш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилаётганига ҳам эътибор қаратилган.

Тадқиқотчи трансмилий жинойятлар учун юридик шахслар жинойий жавобгарлиги белгиланган айрим хорижий давлатлар жинойят қонунчилигини ўрганиб, шунингдек, жинойят ҳуқуқи назариясининг замонавий ривожланиш тенденцияларига таяниб, жинойят қонунчилигига юридик шахслар жавобгарлигини киритилишини маъқуллаган.

Замонавий банк-молия тизими фаолияти турли молиявий операциялар асосига қурилганлиги боис ғайриқонуний молиявий операцияларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида соҳага оид қонунда мазкур тушунчанинг ҳуқуқий маъноси ёритилиши муҳим аҳамият касб этиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг “Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги Қонунида “ғайриқонуний молиявий операциялар” тушунчасига таъриф бериш кераклиги таклиф этилган.

Шунингдек, сўровномада иштирок этган респондентларнинг фикрига кўра, “ғайриқонуний молиявий операциялар” жисмоний ва юридик шахслар, резидент ёки норезидентларнинг юридик жавобгарликка лойиқ бўлган пул маблағларини ғайриқонуний йўллар билан давлат чегарасидан чиқариш (28%), солиқ органларидан яшириб, хорижий банкларда пул маблағлари ва бошқа қимматликлар, шунингдек хорижий молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларга эгалик қилиш, пул маблағларини ғайриқонуний нақдлаштириш, пул маблағлари ва молиявий воситаларни трансчегаравий ўтказиш ҳамда пул маблағларини ғайриқонуний нақдлаштириш (34%) ва уларни транзит ўтказиш билан боғлиқ операциялар шаклида амалга оширилаётганлигини тасдиқлашган.

Шунингдек, жиноят қонуни Махсус қисми 35 та моддасида қилмишни “уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этиш” тариқасидаги оғирлаштирувчи белги назарда тутилган. Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир жиноятлар учун жазо тайинлашда ташкилотчига ва бошқа иштирокчиларга тайинланадиган жазо миқдори дифференциация қилинмаган. Бу эса айбдор шахсга қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасининг жиноятнинг оғир-енгиллигига, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига номувофиқ бўлишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, диссертант уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда жиноий гуруҳ ташкилотчисига тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги кераклиги тўғрисидаги қондани киритиш заруратини асослантирган, Беларусь Республикаси ЖК 66-моддасида худди шундай қоида мустақамланганлигига эътибор қаратган. Бундан ташқари, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар учун ташкилотчига жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, унга нисбатан тайинланадиган жазонинг унинг ижтимоий хавфлилигига мувофиқ бўлиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф тадқиқот иши доирасида ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг 76%и томонидан қўллаб-қувватланган.

Муаллиф жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганликни етказилган зарарнинг ҳажмига кўра фарқлаш, унга мутаносиб жазо тайинлаш мақсадида амалдаги нормага ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мулоҳаза юритиб, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объекти жойлашувига кўра жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги саналсада, мазкур қилмишнинг объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби эканлигига қўшилмайди.

Ф.Фазиловнинг фикрича, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш иқтисодиёт асосларига путур етказиши<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> <https://www.lex.uz/acts/283717>

<sup>2</sup> <https://tsul.uz/files/avtoreferat/fozilov.pdf>

Диссертант Россия Федерацияси ЖК 174-моддаси (бошқа шахслар томонидан жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ёки пул маблағларини легализация (ошкорлаштириш) қилиш) ва 174<sup>1</sup>-моддаси (жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ёки пул маблағларини легализация (ошкорлаштириш) қилиш) “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар”; Беларусь Республикаси ЖК 235-моддаси (жиноий йўл билан олинган моддий қимматликларни (ошкорлаштириш) легаллаштириш) “Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тартибига қарши жиноятлар” бобидан ўрин олган.

Қозоғистон Республикаси ЖК 218-модда (жиноий йўл билан олинган пул ёки бошқа мулкни (ошкорлаштириш) легаллаштириш)си “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар” бобида жойлашган. Туркменистон Республикаси ЖКнинг 242-модда (ғайриқонуний равишда қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш)си “Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тартибига қарши жиноятлар” деб номланган бобда жойлашганлигини эътиборга олиб, мазкур жиноят таркибининг объекти иқтисодий хавфсизлик эканлигини назарда тутиб, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” бобида эмас, балки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мамлакат иқтисодий хавфсизлигига путур етказишини эътиборга олиб “Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар” бобига ўтказилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Бу таклифни сўровда иштирок этган респондентларнинг 66 %и маъқуллаган.

Диссертациянинг **“Айрим трансмиллий уюшган жиноятларнинг кримнологик жиҳатлари”** деб номланган учинчи боби айрим трансмиллий уюшган жиноятлар сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, уларни олдини олишнинг айрим жиҳатлари, трансмиллий жиноятларга қарши курашишда халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик масалаларига бағишланган.

Муаллифнинг қайд этишича трансмиллий жиноятларнинг ўзига хос кримнологик жиҳатларидан бири уларнинг географик жиҳатдан ўзаро алоқадорликка эга бўлиши билан характерланади.

Одам савдоси жиноятининг кримнологик жиҳатлари трансмиллий жиноятлардан бири сифатида қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бирок, бугунги кунда мазкур жиноятнинг мустақил таркиби сифатида чақалоқ савдоси сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар нисбатан кам тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, 2012 йилдан 2020 йилгача одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони олти баравар камайди, аммо шу билан бирга, чақалоқлар ва болалар савдоси улуши ўсишда давом этмоқда. Бирок Ўзбекистонда сўнгги 3 йил мобайнида чақалоқ савдоси билан боғлиқ 185 та ҳолат аниқланганлигини бу турдаги жиноятлар латентлигидан далолат беради.

Диссертант суд-тергов амалиёти материаллари таҳлили асосида чақалоқ

---

<sup>1</sup> [https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/GLOTIP14\\_ExSum\\_russian.pdf](https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/GLOTIP14_ExSum_russian.pdf)

савдосига қуйидаги омиллар сабаб бўлаётганлигини кўрсатган:

– боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмагани ва моддий эҳтиёжлари таъминланмаганлиги;

– турмушга чиқмаган аёллар хомиладор экани ҳамда чақалоқни оиласидан яширишга уриниши;

– фарзанд кўрмаган оилалар томонидан чақалоқ асраб олишга эҳтиёж мавжудлиги;

– чақалоқ савдосининг олдини олишга қаратилган мукаммал ҳукукий асоснинг йўқлиги.

Шунингдек, жиноятчи шахси хусусида сўз юритиб, муаллиф чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти хотин-қизлар томонидан содир этилишини, ушбу жиноятга қўл урган хотин-қизларнинг ижтимоий-демографик ҳолати ўрганилганда, уларнинг кўпчилиги оғир турмуш шароитида яшаши ва моддий қийинчиликни бошдан кечириши, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда психологик ёрдамга эҳтиёжи юқорилиги билан изоҳланишини қайд этган.

Ушбу бобда тадқиқотчи баъзи трансмиллий уюшган жиноятларни олдини олишнинг айрим жиҳатларига халқаро микёсда ёндашган. Жумладан, хорижий мамлакатларнинг трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига кўпроқ урғу берилган.

Муаллиф хорижий мамлакатларнинг трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг таҳлили асосида шартли равишда давлатларни қуйидагича:

биринчи гуруҳ – жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатлари конституциявий нормалар билан тартибга солинган давлатлар;

иккинчи гуруҳ – жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка оид масалалар жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари билан тартибга солинган мамлакатлар;

учинчи гуруҳ – трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг турли йўналишлари, хусусан жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам, экстрадиция, маҳкумларни топшириш тўғрисида махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган давлатларга ажратган.

Ўз навбатида, муаллиф Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга оид алоҳида қонун қабул қилинмаганлиги, мазкур ҳамкорликнинг айрим масалалари (жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш, экстрадиция қилиш) ЖПКда белгиланганлигини кўрсатган, бироқ Жиноят-процессуал кодексида бундай ҳамкорликнинг барча йўналишлари қамраб олинмаганлиги туфайли амалдаги нормалар ушбу муносабатларни тўла ва ҳар томонлама тартибга солиш учун етарли эмас, деган хулосага келган.

Шунингдек, МДҲ давлатлари ҳукукни муҳофаза қилувчи органлариаро трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, улар ҳамкорлигини ташкил этишга қаратилган салмоқли халқаро ташкилотлардан бири – бу ШХТнинг Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ) ҳисобланиши, мазкур тузилма ШХТга аъзо давлатларнинг Минтақавий антитеррор тузилма

тўғрисидаги Битими билан таъсис этилган бўлиб, Битимнинг 6-моддасига кўра: ШХТнинг тегишли тузилмалари учун терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; Томонлардан бирининг сўровига асосан Томонларнинг ваколатли органларига терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда кўмаклашиш; МАТТга Томонлардан келиб тушган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашга доир ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш ва бошқалар МАТТнинг асосий вазифа ва функцияси ҳисобланиши баён қилинган.

Диссертант республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ушбу ташкилотлар доирасида фаол халқаро ҳамкорликда иштирок этиши, жинойтчиликка қарши курашда ҳамкорликда ижобий натижаларни қўлга киритаётган бошқа халқаро ташкилотларга (Европол, Евроюст, OLAF ва бошқа) аъзо бўлиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи амалдаги жинойт-процессуал қонунчиликда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тартиби белгиланганлиги, ЖПКнинг 91<sup>1</sup>-моддасига кўра сўроқ қилиш, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатлари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлигини қайд этилган. Муаллиф жинойтчиликнинг олдини олишда давлатлараро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда технология ютуқларидан фойдаланиш, видеоконференцалоқа орқали хорижий давлатда турган гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи, гумон қилинувчи ва процесснинг бошқа иштирокчиларини сўроқ қилиш, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш, шунингдек бунинг процессуал тартибини белгилаш, ҳамкорликнинг мазкур шаклини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Бошқа давлатларда жазо ўтаётган маҳкумларга жазони ўз давлатида ўташ имкониятини бериш орқали уларнинг жамиятда мослашишларига кўмаклашиш мақсадида, инсонпарварлик тамойили, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги ғояларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКни “Ўзбекистон Республикасининг чет элда жазо ўтаётган фуқароларини жазо ўташни давом эттириш учун қабул қилиш ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда жазо ўтаётган фуқароларини топшириш” деб номланган 66-боб билан тўлдириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Диссертацияда ривожланган хорижий давлатларнинг трансмиллий жинойтлар учун жавобгарликка оид қонунчилигининг таҳлили асосида:

биринчидан, бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар билан салмоқли савдо-иқтисодий, молиявий алоқалар ўрнатилган;

иккинчидан, халқаро ҳамжамият аъзоларининг трансмиллий жинойтлардан жинойт-ҳуқуқий муҳофаза қилинишини кафолатлаш инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади;

учинчидан, ривожланган хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий интеграцияга киришиш бошқа соҳаларга оид қонунчилик билан бир қаторда трансмиллий жинойтлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни ҳам унификациялаштиришни тақозо этади, деган хулосаларга келган.

